Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 28 август, шанба • №70 (11.665) • Эркин нархда сотилади

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

26 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – Котибиятни ташкил этди. Депутат Т.Миркомилов хотирасига бир дақиқа сукут сақланди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибини тасдиқлади.

Молия вазири С.Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида маъруза қилди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А.Аҳадов ҳам қўшимча маъруза қилди.

Мазкур масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари депутатларнинг эътиборини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш ва ижроси масалалари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигига қаратди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрларини асосан маъқуллади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

«Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига тақдим этди.

Олий Мажлис «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда сессия эътиборига ҳавола этди.

Олий Мажлис «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни маъқуллади ва уни жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлисида янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси ўринбосари Б.Олимжоновнинг маърузаси билан бошланди.

Парламент янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов сессия эътиборига тақдим этди.

Олий Мажлис «Давлат бюд-

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик 13 йил

## Қирариқда қўшалоқ тантана

**Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли ширкат хўжалигининг Қирариқ қишлоғида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ шифокорлик пункти ҳамда Ниғматжон ота номли тўйхона гузари мажмуасининг очилиш тантаналари бўлиб ўтди.**



Кейинги йилларда туманда ободонлаштириш, элга маданий-маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган янги иншоотлар қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Тез тиббий ёрдам, 50 ўринли соғломлаштириш маркази каби иншоотларнинг ишга туширилиши ана шулар жумласидандир.

— Ҳар бир кун бизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги нишонланадиган дамларга тобора яқинлаштирмоқда. Қутлуғ айём арафасида туманимиз меҳнаткашлари ҳам байрамни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар, — деди туман ҳокими Сайфулла Темиров тантанали маросимни очаркан.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туманда бошқа соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш тизимида ҳам силжиш давом этаётир. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, замонавий шифохоналар бунёд этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш бу ерда олиб борилаётган ислоҳотлар асосини ташкил этади. Меҳр ва мурувват йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Қирариқда очилган шифохона маскани эса, ана шу улкан ишларнинг мантиқий давомидир.



Шу куни 260 ўринга мўлжалланган тўйхона, новвойхона, ошхона, сартарошхона пойабзал таъмирлаш устахоналарини ўз ичига олган Ниғматжон ота номидаги гузарнинг очилиши ҳам нур устига нур бўлди. Уни шу ерлик тадбиркор Зоҳиджон Азимов ўз шахсий маблағи ҳисобига қуриб, эл-юрт дуосини олди.

Шу куни тантаналар давомида кўрсатилаётган меҳрмурувват, оқибат ва саховат учун ҳукуматимизга, Юртбошимизга вилоят ва туман ҳокимларига, хўжалик раҳбарлари ва тадбиркорлар шаънига миннатдорчилик сўзлари янгради. Қирариқликлар учун бу тадбир катта тантанага айланганлигини дастурхон атрофида ўтирган кексаю ёшларнинг юз-кўзларидаги қувонч, мамнунлик ифодасидан англаса ҳам бўлади.

Янги муассасаларни фойдаланишга топшириш тантаналарида вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев иштирок этди.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



*СУРАТЛАРДА: «Қирариқ» қишлоқ шифокорлик пункти ҳамда Ниғматжон ота номидаги гузарнинг очилиш тантаналаридан лавҳалар.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"**

**Мурадасилов Сервер Диляверович** – Чирчиқ шаҳар Олимпия заҳиралари коллежининг дзюдо бўйича бош мураббийси

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Ботирова Мавлуда Ражабоевна** – Оҳангарон шаҳридаги "Саховат" уйи ҳамшираси

**II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан**

**Тўхтаназарова Гулнора Маҳмаджоновна** – Тошкент вилояти руҳий-аномал гўдак болалар уйи бош шифокори

**"Шуҳрат" медали билан**

**Бекбўтаева Рихси Нурматовна** – Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри бўлими тарғиботчиси

**Эгамбердиева Кумуш Санатовна** – "Тошкент ҳақиқати" газетаси корректори

**Курбонов Эшқўзи Олимович** – Бекобод тумани 2-қишлоқ врачлик пунктининг катта фельдшери

**Ҳамробекова Рихси Умирзоқовна** – Янгийўл туман саноат касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

**Ҳотамов Абдусаттор Абдумаликович** – Зангиота тумани "Истиқбол" газетаси бош муҳаррири.

**Шунингдек, Юртбошимизнинг 2004 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида»ги Фармонига биноан бир қатор юртдошларимиз қаторида Тошкент вилоятидан қуйидагилар тақдирланишган:**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими"**

**Ўсаров Раҳмат Шоазимович** – Чирчиқ шаҳридаги "Электрокимёсаноат" очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

жетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги қонун ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини биринчи ўқишда сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди.

Депутатлар ушбу қонунлар лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллади.

* * *

27 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишдан бошланди. Уни парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар эътиборига ҳавола қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ушбу қонун лойиҳаси ҳақида ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари «Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бўлажак депутатлар ва сенаторларни ҳимоя қилишга қаратилганини таъкидлади. Депутатлар ва сенаторлар нафақат ўз сайловчилари ва ҳудудлари, балки бутун мамлакатнинг вакиллари ҳисобланади. Улар давлат арбоблари сифатида ўз фаолиятида, авваламбор, миллий манфаатларни устун қўйиши лозим. Шу сабабли Президент депутатни, сенаторни чақириб олиш қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши кераклигини қайд этди.

Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Парламент янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Депутатлар ушбу ҳужжатни қабул қилди.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси Котибияти раҳбари С.Умаровнинг фуқароларнинг парламентга мурожаатлари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Парламент А.Ишметовни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси, В.Бурхонхўжаев, Р.Маҳмудова, А.Усмоновни Олий суд судялари этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ниҳоясига етди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Паркент тумандаги «Навбаҳор» ширкат хўжалигида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши қошидаги «Хориждаги ватандош дугоналар давраси» раиси Муқима Абдуллаева ҳамда «Ўзбегим мероси» маърифий ва фольклор-этнографик марказ ташаббуси билан хорижда яшовчи ватандош дугоналаримиз билан учрашув бўлиб ўтди.**

# Ватандош дугоналар учрашуви

Учрашув иштирокчилари шу хўжалик аъзоси Ҳуррият Жаматованинг таклифига биноан унинг қовун полизидаги дала шийпонига йиғилишди. Қовун сайлига Саудия Арабистонининг Жади шаҳридан меҳмон бўлиб келган Ҳабиба Тошкандий, Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк штатидан Пўлатхон Исмоилзода, Нью Жерси штатидан Жамила Илҳомий, Туркия ва Америка фуқароси Мукаррама Бўтакўз ҳамда афғонистонлик ва покистонлик аёллар ташриф буюришди. Шунингдек, учрашувда ширкат хўжалигининг фаол аёллари, тадбиркор хотин-қизлар, 1-мактаб муаллималари қатнашдилар.

Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига бағишланган бу учрашув «Ўзбекистон, ҳур диёримсан» мавзуида ўтди. Бойқозон қишлоқ хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари Насибахон Йўлдошева қишлоқ аёлларининг ҳаёти, уларнинг фаол иштирокида олиб борилаётган тадбирлар ҳақида меҳмонларга гапириб берди.

Ҳуррият Жаматова қишлоқ аёлларининг ҳаёти, миллий гўзал урф-одатларимиз билан меҳмонларни таништирди.

«Мерос» театр-студиясининг хушовоз хонандаси Раъно Рўзиқулова ўзининг дилрабо қўшиқлари билан учрашув қатнашчиларини мафтун этди. Қишлоқнинг аёллар фольклор ансамбли аъзолари гўзал алла ва ёр-ёр қўшиқларини ижро этишди. Дилрабо куй-қўшиқ, шеърхонлик ва гўзал рақслар бир-бирига уланган мароқли учрашув узоқ давом этди.

**Зуҳра ИЛЁС қизи.**

***СУРАТДА:*** *«Навбаҳор» ширкат хўжалиги аёлларининг чет эллик ватандошлар билан дала шийпонидаги учрашуви.*



# МУКОФОТ МУБОРАК!

**Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига кўра Тошкент вилоятидан қуйидагилар юксак мукофотларга сазовор бўлишган:**

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Нажмиддинов Зинабудин Шамшиддинович** – Чирчиқ Олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедраси бошлиғининг ўринбосари

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Қорабоев Баҳромжон Абдуназарович** – Тошкент вилояти Бекобод тумани суд ижрочилари бўлинмасининг катта суд ижрочиси

**"Дўстлик" ордени билан**

**Мокеев Александр Михайлович** – Чирчиқ Олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Тўйлебоев Мансур Тулепович** – Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**"Жасорат" медали билан**

**Абдазов Насриддин Ғуломович** – Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Алимуҳамедов Ғанижон Ойбекович** – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили

**Раҳмонов Юсуфжон Иброҳимович** – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 27 августдаги «Амударё узра бунёд этилган қўшма автомобиль ва темир йўл кўприги қурилишида фаол қатнашган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида Тошкент вилоятининг қуйидаги вакиллари номлари бор:**

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Маликов Темур Қодирович** – "Тўйтепа металл қурилмалари" очиқ акциядорлик жамиятининг электрпайвандчиси

**"Шуҳрат" медали билан**

**Нургалиев Тоҳир Қаюмович** – "Тўйтепаметаллқурилмалари" очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича бошқарув раиси ўринбосари

**"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан**

**Холмирзаев Бекмирза** – Янгийўл туманидаги Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Луговая Валентина Михайловна** – Олмалиқ шаҳридаги "Монтажкимё-ҳимоя" масъулияти чекланган жамиятининг металл қопловчиси

**Ўтбосарова Сожида Раҳматовна** – "Оҳангаронцемент" очиқ ҳиссадорлик жамиятининг машинисти

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Жўраев Қурбонали Жуманович** – Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси

**Тўлаева Каромат Турғунбоевна** – Юқоричирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" пахта тозалаш корхонаси" ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси

**"Дўстлик" ордени билан**

**Березин Валерий Иванович** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти марказий таъмирлаш-механика заводининг директори

**Кўккўзов Кембай Қулаҳмедович** – Чиноз туманидаги "Эшонобод" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси

**Санакулов Қувондиқ** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти бош директори

**Серикбаев Зокир Бакирович** – Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси бош муҳандисининг ўринбосари

**Тошов Жумақул** – Паркент туманидаги "Бўстон" ширкат хўжалигининг пудратчиси

**"Шуҳрат" медали билан**

**Асомова Рихси Ҳусановна** – Бўстонлиқ туманидаги "Ғазалкент ойна" Ўзбекистон-Америка-Нидерландия қўшма корхонасининг пирометристи

**Отажонов Равшанжон Юсупович** – Бекобод шаҳридаги "Сарбон" ҳиссадорлик жамиятининг ҳайдовчиси

**Аҳмедов Карим** – Чиноз туманидаги С.Раҳимов номли ширкат хўжалигининг бош агрономи

**Аҳмедов Мирза** – "Нуроний" жамғармасининг Зангиота тумани бўлими раиси

**Бобожонов Мансур Турсунбоевич** – Оққўрғон туманидаги "Қаҳрамон" ширкат хўжалигининг сувчиси

**Гелдиев Ибодулла** – Бўка туманидаги "Хўжақўрғон" ширкат хўжалигининг пудратчиси

**Жумаев Қурбонбой Маъруфович** – Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигининг пудратчиси

**Исроилов Абдуғаффор** – Янгийўл шаҳридаги 2503-автоколонна чилангари

**Қурбонова Инобат Облоқуловна** – Оҳангарон туманидаги "Эйвалекмахсус- темирбетон" очиқ акциядорлик жамиятининг сувоқчи-бўёқчиси

**Назиров Маҳмуджон Мамирович** – Пскент туманидаги "Машина-трактор парки" давлат акциядорлик жамиятининг комбайнчиси

**Раҳмонов Неъматулла Қурбонович** – "Чирчиққишлоқмаш" очиқ ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси

**Умаров Алишер Холдорович** – Бўка туманидаги "Ачамайли" ширкат хўжалигининг бош агрономи

**Холматов Давлат** – Қуйичирчиқ туманидаги "Ўжакент" ширкат хўжалигининг механизатори

**Эргашев Абдулла Раҳимжонович** – Қибрай туманидаги "Мой" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**Эшонкулов Эшқўзи** – Бекобод туманидаги "Машина-трактор парки" давлат акциядорлик жамиятининг "Кейс" комбайни оператори

**Ўрозалиев Ислиддин Тоштуробович** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг майдаловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ҲАМКАСБИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавият ва маърифат, санъат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларининг бир гуруҳи Президентимиз Фармони билан мамлакатнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Мукофотланганлар қаторида «Тошкент ҳақиқати» газетаси корректори Кумуш Эгамбердиева ҳам бор.

Ҳамкасбимизни ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — «Шуҳрат» медали билан чин дилдан табриклаймиз.

***Таҳририят ижодий жамоаси.***


RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI
«RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI
TOSHKENT VILOYATI BO`LIMI» МЧЖ
TOSHKENT VILOYAT HOKIMIYATI
Ватандошларимизни
энг улуғ ва азиз байрам —
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
13 йиллиги
билан самимий
муборакбод этади.
Жонажон юртимизнинг
ҳар бир хонадонидан тинчлик,
фаровонлик, бахт-саодат,
қут-барака аримасин.
Байрамингиз муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!

● Партиялар ҳаётидан

# Ишчанлик руҳида

**Халқ-демократик партияси Тошкент вилоят ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.**

Унда вилоят партия кенгашининг ҳисоботи ва халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидаги партия гуруҳининг ахбороти, вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди, партиявий-сиёсий, мафкуравий, парламентчилик, ташкилий ва хўжалик ишлари таҳлил қилинди, бу йўналишдаги ютуқ ҳамда камчиликларга тўхталиб ўтилди.

Иштирокчилар диққат марказидан бўлажак сайловларга тайёргарликнинг бориши, аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, партия ташкилотларининг фаолиятидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, меҳнат жамоалари ва аҳолининг турар-жойларида боқимандачилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашни кучайтириш масалаларига ўрин олди.

Шунингдек, келгуси фаолиятнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди ҳамда сайланма органлар шакллантирилди.

Шу куни вилоят партия ташкилоти кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Сирожиддин Аъзамов ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби, Маҳмуд Тоиров — иккинчи котиби этиб қайта сайланишди.

**Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати.**

# Тўйтепада семинар-тренинг

**«Тўйтепа металл қурилмалари» очиқ акциядорлик жамиятининг мажлислар залида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши махсус семинар-тренинг ўтказди.**





У яқинлашиб келаётган сайлов кампаниясида Либерал-демократик партиянинг стратегияси ва тактикасига бағишланди. Анжуманда партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари масъул ходимлари иштирок этишди.

Семинар-тренингда сайловолди кампаниясини ўтказишда ҳудудий тузилмаларнинг вазифалари, Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайлов қонунчилиги, жойларда партиянинг сайлов тадбирларидаги фаол иштирокини ташкил этиш, партиянинг сайловолди платформаси ва бошқа масалалар ҳақида сўз юритилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

***СУРАТЛАРДА:*** *семинар-тренингдан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# «Оналар – тинчлик тарафдори»

**Ўзбек Миллий академик театрида “Оналар – тинчлик тарафдори” мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Унда турли соҳаларда меҳнат қилиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашаётган 600 нафарга яқин хотин-қизлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар барча хотин-қизларни мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги билан табриклашди. Шунингдек, мамлакатимиз хотин-қизларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраш, уни террорчилар, диний экстремистлардан ҳимоя қилишга қодир мард ўғлонларни вояга етказиш масалаларидаги долзарб вазифалар тўғрисида маърузалар тингланди.

**Азамат ПИРНИЁЗОВ, «Туркистон-пресс».**

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ПОЧТАСИДАН

● Таклиф

# Адади кўпайтирилса...

**Республикамизда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва унинг бажарилишини тўлиқ таъминлаш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, қишлоқ хўжалик коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, жаҳон андозаларига мос дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Сўнгги йилларда марказ ташаббуси билан бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилдики, улар коллежларнинг ҳозирги кун эҳтиёжларини маълум даражада қаноатлантирмоқда.

Кейинги пайтда коллеж кутубхонаси бир қанча қўлланмалар билан бойиди. Мен зоотехник йўналиши учун мўлжалланган «Агрономия асослари ва ем-хашак етиштириш» дарслиги (Т. «Меҳнат» нашриёти, 2003 й.) хусусида ўз фикрларимни билдиришни жоиз деб топдим. «Касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш учун ўқув режа ва дастурлар» андозаларида ушбу йўналиш учун «Агрономия асослари» бўлимига 30 соат назарий ва 20 соат амалий, «Ем-хашак етиштириш» бўлими учун эса, тегишлича 26 ва 24 соат (жами 100 соат) ажратилган. Дарслик ушбу дастур ва юклама негизида тузилган бўлиб, унда республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мавжуд ер-сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш, чорвачиликда ем-хашак захирасини мустаҳкамлаш, экинлар парваришига татбиқ этилаётган илғор агротехникалар батафсил ёритилган.

Ушбу дарсликнинг ижобий томонларидан бири шундаки, у коллеж ўқувчиларининг савиясини ҳисобга олган ҳолда содда ва тушунарли қилиб ёзилган. Мавзулар мантиқан кетма-кетликда берилганки, бу материалларни ўқувчига етказишда ўқитувчиларга қатор енгилликлар яратади. Амалий тажриба машғулотлари назарий машғулотлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда берилган бўлиб, уни янада бойитади ва мустаҳкамлайди.

Умуман олганда шу каби дарсликлар коллеж ўқувчилари томонидан мутахассислик фанлари ўзлаштирилишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Таклиф сифатида шуни айтиб ўтиш лозимки, кутубхонамиз учун ажратилган дарсликлар сони ўқувчилар эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олмаяпти ва шу сабабдан келгуси нашрларда уларнинг адади кўпайтирилса яхши бўлар эди.

**Ҳалима ОТАБОЕВА,**
**Тошкент Давлат аграр университети Ўсимликшунослик кафедрасининг мудири, профессор.**

● Эътироф

# Биз томонда шундай момо бор

Оҳангарон туманидаги Бешкапа қишлоғида яшовчи Тўлғоной момо – ўз умрини мазмунли ўтказган 100 ёшли табаррук инсон. Ёшлигидан суяги меҳнатда қотган Тўлғоной турмушга чиққач, катта ишларга қўл урди. Ёш ва шижоатли аёл инсон қадам босмайдиган тўқайзорларни ўзлаштириб, тирикчилик ўтказиш мақсадида шу ерларга келиб, оиласи билан қўним топди. Янги келинман, деб капада ўралишиб қолмади. Тонг отгандан кун ботгунга қадар бор куч-ғайратини ер ўзлаштириб, деҳқончилик қилишга сарфлади.

Тўлғонойнинг фидокорона меҳнати натижасида тўқайзорлар ўрнида гектарлаб унумдор ерлар юзага келди. Шунда ҳам момо тинч ўтирмади. Далада меҳнат қилиб, ризқ-рўз топди. Ҳозир бу жойлар Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигига қарайди.

Табиатан бироз камгап бўлган момо билан суҳбатлашиб, бошидан кечирганлари ҳақида сўраганимизда, не кунларни кўрмадик, болам, деб ўтган ташвишли кунлари тўғрисидаги гапни қисқа қилди. Муҳими, эл-юртга кўп нафи текканидан мамнун.

Момога эзгу ният азалдан ҳамроҳ бўлиб келди. Кутилмаган кўргиликларга дуч келганда ҳам яхшиликка умид қилаверди. Турмуш ўртоғи Абдуқодир ота 1941 йилда иккинчи жаҳон урушига кетиб, қайтмади. Икки ёш боласи билан қолганда ҳам тушкунликка тушмади. Турмуш ташвишларини елкасига олиб қолаверди.

Сабрнинг таги сариқ олтин, деганларидек, момонинг сабру матонати, эзгуликка умид билан боқиши ўзининг мевасини берди. Икки фарзанди Умрзоқ ва Муҳаббат опалар ҳаётда ўз ўринларини топиб, бахтли яшамоқдалар.

**Қудрат ОДИНАЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

● Таажжуб

# Ёлғончиликми ёки қаллоблик?

Кишилар орасида ёлғончилик, қаллобликни ўзига касб қилиб олганлар ҳам бор экан. Яқинда бир дўстим пул топиш илинжида чет давлатга чиқиш учун шундай «бизнес» билан шуғулланувчи фирмага мурожаат қилган экан, 4 минг доллар берса, хоҳлаган мамлакатига жўнатиш мумкинлигини айтишибди.

Дўстим ҳам ёшлик қилганми ёки уларнинг гапига лаққа тушганми, айтилган жойга пулни етказган. Фирма аъзолари эса бир ҳафтадан сўнг барча ҳужжатлар тайёр бўлиши ва икки ҳафта ичида хорижга жўнаши мумкинлигини маълум қилишибди. Кейинги ҳафтада хабар олгани фирмага борган дўстим тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келди. Маълум бўлишича, уни чет элга жўнатмоқчи бўлганлар қаллоб бўлиб чиқишган. Аслида хорижга ишлагани жўнатувчи бундай фирма бўлмаган экан. Ҳозир дўстим қарз-ҳавола қилиб топган пулини қандай қайтаришни билмай, юрак хуружи хасталигига йўлиқди.

Беихтиёр ўйлаб қоласан, киши. Қаллоблик йўли билан ризқ-рўз топаётган, оила боқаётганларнинг иймони, виждони бунга қандай йўл қўяркин-а. Ҳаром луқма ҳеч қачон ҳеч кимга юққан эмас-ку. Қолаверса, шу йўсинда тарбия берилаётган оилаларда вояга етган фарзандлар ҳам келажакда қобил инсон бўлишлари даргумон эмасми?

**Хуршид БЕКНАЗАРОВ,**
**Тошкент Давлат маданият институти талабаси.**


**Туркия Жумҳуриятининг Тошкентдаги Элчихонаси Иқтисод Маслаҳатчилиги шартнома асосида ишлайдиган, котиблик лавозимига танлов эълон қилади.**

**Танловда қатнашадиган номзодлар қуйидаги афзалликларга эга бўлишлари керак:**

1. Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлиши.
2. Турк, ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиши.
3. Ҳарбий хизматни ўтаган бўлиши.
4. Маълумоти камида ўрта махсус бўлиши.
5. Компьютерда (WORD, EXCEL) бемалол ишлай олиши.

Номзодлар ўз таржимаи ҳоли ва маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг бир нусхасини 2004 йил 3 сентябрь соат 16.00 гача Элчихона Иқтисод Маслаҳатчилигига шахсан тақдим қилишлари шарт. Оғзаки имтиҳон 9 сентябрь куни соат 10.00 бўлиб ўтади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси-87.

• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport •

# Дохтурашвили – олимпиада чемпиони!

АФННА 2004

**АФИНА (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади). Юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони Александр Дохтурашвили XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди!**

У саралаш босқичида венгриялик жаҳон вице-чемпиони Тамаз Берзицани, озарбойжонлик Вугар Асланов ҳамда мезбонлар вакили Алексиос Колитсопулосни мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиққан эди. Финал йўлланмасини қўлга киритиш учун эса Сидней олимпиадаси ва жаҳон чемпиони, россиялик Валтерез Самургашев билан куч синашган юртдошимиз яна ғалаба қозонди.

Олтин медаль учун кечган ҳал қилувчи курашда А.Дохтурашвили Сидней олимпиадаси совриндори ва жаҳон чемпиони финляндиялик Марко Йли-Ханнукселага қарши гиламга чиқди. Шиддатли кечган беллашувдан сўнг маҳорат бобида тенгсиз полвонимизнинг қўли яна баланд келди! Музаффар спортчимиз шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, Ўзбекистон байроғи кўтарилди.

Шундай қилиб, терма жамоамиз илк олтин медални қўлга киритди.

Айни пайтда олимпиадачиларимиз бокс, енгил атлетика, эркин кураш ва таэквандо бўйича мусобақаларни давом эттирмоқда.

*СУРАТДА: олимпиада чемпиони Александр Дохтурашвили (ўртада).*

**Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.**



«Универсиада – 2004»

# Тараддуд қизғин

**Вилоят жамоаси Самарқандда ўтказиладиган «Универсиада-2004» мусобақаларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.**

– Ёшлик, гўзаллик ва спорт байрамини талабаларимиз орзиқиб кутмоқда, – дейди Тошкент давлат аграр университети жисмоний тарбия кафедраси доценти Мирсултон Солиҳов. – Улар «Универсиада-2004»даги спорт турларининг деярли барчасида қатнашади. Айниқса, енгил атлетика, сузиш, эркин ва белбоғ кураши бўйича талабаларимизнинг имкониятлари катта.

Мусобақаларда университетимиз шарафини 105 нафар спортчи ҳимоя қилади. Улар орасида беш нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, Осиё чемпионлари, шунингдек, Афинада якунланаётган ёзги Олимпиада ўйинлари қатнашчилари бор.

Университетимиз раҳбарияти универсиадага пухта тайёргарлик кўриш, жисмоний-тарбия ва спорт базасини мустаҳкамлаш учун юз миллион сўм маблағ ажратди. Янги стадион қурилди. Эски спорт мажмуи тўла таъмирдан чиқарилди. Талабаларга спорт анжомлари ва кийим-кечаклар олиб берилди.

**Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.**

## МАҲАЛЛАДА ЧАҚҚОНЛАР БАҲСИ

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ангрен шаҳар бўлимлари ва халқ таълими бўлими ташаббуси билан 52 та маҳалла иштирокида спартакиада бўлиб ўтди. Унда 10-14 ёшли болалар 16 та гуруҳда ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Спортнинг футбол, волейбол, баскетбол ва шахмат турлари бўйича мусасиз баҳслар кечган спартакиадада шаҳардаги Наврўз-1, Самарчўғ, 8 март, Кўктерак, Қорабоғ маҳаллалари ўғил-қизлари маҳорат ва чаққонлик бобида ўз устунликларини намойиш этишди.

**Муҳаммад СУННАТОВ.**

## БАҲСДА АЁЛЛАР

Паркент шаҳрида туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳаллаларда истиқомат қилувчи хотин-қизлар ўртасида бир ҳафталик спорт мусобақалари бўлиб ўтди. «Спорт – саломатлик гаровидир» шиори остида енгил атлетика, стол тенниси, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка турлари бўйича ўтказилган баҳсларда шаҳардаги 18 та маҳалла вакилалари ғолиблик учун баҳс юритишди.

Беллашувлар натижасига кўра, енгил атлетика бўйича булоқбошиликлар, волейбол ва баскетболда обжувозиликлар, стол тенниси баҳсларида эса Хўжа маҳалласи хотин-қизлари ғолибликка сазовор бўлишди.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

# «Аранчи»даги беллашув

**Миллий авиация спорт клубининг Ўртачирчиқ туманидаги «Аранчи» аэродромида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ташаббуси билан спортнинг эркин учиш – авиамодель тури бўйича мамлакатимиз кубоги мусобақаси якунланди.**

Беллашувларда эллик нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Ёшлар ўртасида ўз йўналиши бўйича андижонликлар биринчи, фарғоналиклар иккинчи, пойтахт вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Катталар ўртасидаги баҳсларда эса пойтахт вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қулга киритди. Иккинчи ўрин фарғоналикларга, учинчи ўрин андижонликларга насиб этди.

**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

## • Bolalik bog`i

### SUV

*Tog`-toshlardan oshadi,*
*Bog`-rog`larga shoshadi,*
*Ariqlarga oqadi.*
*Suv hammaga yoqadi.*
*Suv bilan yashnar dala,*
*Ochilar paxta, lola.*
*Suv erur obihayot,*
*Suv bilan tirik hayot.*
*Ekinlarni yayratib*
*Xursand qilar dehqonni.*
*Tabiatni yashnatib,*
*Quvontirar insonni.*

**Nasiba AHMADJONOVA.**

## Донолар бисотидан

Узоқ умр кўриб, қадди ёйдек букилган бир киши ҳассага таяниб борарди. Бир ёш йигит чолни масхара қилиб:

— Бобожон, бу ёйни қаердан ва неча пулга олдингиз, мен ҳам шундай ёйни сотиб олмоқчиман, — деди.

Чол кулиб:

— Эй, оппоқ ўғлим-эй, ҳали ёшсан, бундай ёйни сенга сотмайдилар, – деди. – Сабр қил, умринг узун бўлиб, менинг ёшимга кирган вақтингда сенга текинга келтириб берадилар.

**К. ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.**

# «Қўлларимни қайтариб беринг!..»



Азиза опа она бўлди. У ўғил кўрди. Ўғлини оқилу доно, меҳнаткаш қилиб тарбиялашни дилига тугди.

«У Ватан ҳимоячиси бўлади!», дея кундан кунга бўй чўзиб, соғлом бўлиб ўсаётган ўғлини ич-ичидан суярди она.

7-мактабда ўқиётган Илҳом ҳам қобилгина бола бўлиб, онасига уй юмушларида кўмакдош, укаларига бош эди. Бир фалокат бўлди-ю, 2003 йилнинг 21 июнь куни тушга яқин Илҳом чап қўлини тирсагидан синдириб олди. Уни зудлик билан шаҳар марказий касалхонасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимига олиб келишди.

Чап қўли тирсак бўғимида очиқ синиш жароҳати билан келиб тушган 1992 йилда туғилган Илҳом Абдукаримовни шифокор травматолог И. Аллаёр операция қилди.

Болани операция қилган шифокор травматолог, иш вақти тугагач табиийки, уйига кетган. Аммо, шу куни унинг ўрнига навбатчилик қилган Ҳ. Салом ҳам бемор болани юзаки текшириб, аҳволи ўртача оғир эканлигини қайд қилади.

Эртасига Илҳомнинг аҳволи оғирлашганлиги боис уни Тошкентга олиб кетадилар. Пойтахтдаги шифокорлар эса сўнгги чорани қўллаб, Илҳомнинг қўлини тирсагидан кесиб ташлашди. «Ахир, наҳот синган қўлни кесиб ташлайверишса. Боламнинг қўлларини нега сақлаб қолишмади!» дея онаизор оҳ чекди.

Ҳа, эртага юрт ўғлони бўлиб, уни кўкрак кериб ҳимоя қиладиган бир боланинг тақдири, икки лоқайд шифокор сабаб мана шундай аянчли якун топди. Агар шифокор И. Аллаёр операциядан олдин қилиниши лозим бўлган бирламчи жарроҳлик ишловини тўлиқ ўтказганида эди, жароҳатни синчковлик билан ювибтозалаганида ва операция вақтида жароҳатнинг оғирлигини инобатга олиб, қоқшолга, газли гангренага қарши эмлаганида, бажарилган ҳаракатларни касаллик тарихи баённомасида тўлиқ акс эттирганида, бемордан мунтазам равишда хабардор бўлганида эди, Илҳом қўлсиз қолмаган бўларди. Ҳеч бўлмаганда, шифокор-травматолог Ҳ. Салом ҳамкасбининг лоқайдлигини такрорламаганида, боланинг жароҳатидаги кучли оғриқни, тана ҳароратининг 38,8 даражага кўтарилганини кўргач, дарҳол беморнинг қўлидаги гипсни олиб ташлаганида, жароҳатнинг чокларини кесиб, яра соҳасида керакли муолажани қилиб, газли гангрена касаллигининг олдини олганида эди, бир она икки-уч кун ичидаёқ ярим жон бўлиб қолган боласини сўлғин ҳолда бағрига босганча, бир кечада сочлари оқармаган бўларди...

**Дилмурод ТОЖИЕВ, Олмалиқ шаҳар прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.**
**Ойсара ДАДАЕВА, журналист.**

2002 йил 11 мартда Салимов Равшан Рихситуллаевич номига берилган 17-05/239 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**«ILHOM OTA»** очиқ турдаги акционерлик жамияти устав фондини **3 057 660 сўмдан 330 000** сўмгача камайтирганлигини маълум қилади.

**Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади:**
Ҳамза тумани, Мураббий кўчаси, 52.

Утерянный аттестат о десятилетнем образовании рег. № Г 250317, выданный в 1983 г. школой № 121 в г. Ташкенте Куйбышевского района на имя Мухамадиева Булата Разумовича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Пскент туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан 1979 йил 2 июлда Комилова Жамила Обидовна номига берилган Б 948511 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-949. Адади 5863. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.*
*"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.*
Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5